емес? Өзге үйге үйрене алмай атырған келинниң несин сынайды? Биреўдиң алақанына салып, тәрбиялаған қызын неге қорлайды? Неге? Неге? Бул сораўлардың изи жоқ. Жуўабын да таба алмай, зарланаман».

1. Ҳәр бир автор өзиниң мүмкиншиликлери ҳәм шеберлигинен пайдаланып ең тәсирли ҳәм нәтийжели лексикалық-стилистикалық методларды таңлайды.

2. Түрли дәрежедеги образлардан пайдаланыў. Булар миллий эпос, заманагөй поэзиялық яки прозалық шығармалардан алынған образлар ҳәм автор тәрепинен жаратылған образлар болыўы мүмкин. Қарақалпақстан баспасөзин үйрениў бул ең тәсиршең усыллардан бири екенлигин көрсетти.

3. Жоқарыдағы атап өтилгенлерден тысқары, публицистлер өз шығармаларында тәбийий рәўиште улыўма түрде улыўма илимий методлардан пайдаланады: анализ ҳәм синтез, индукция, дедукция ҳәм аналогия, көркем, тарийхый яки салыстырмалы типология ҳәм т.б.

Қулласы, жекке методлар я саны жағынан, я сапасы жағынан шекленбейди ҳәм шеклениўи мүмкин де емес. Себеби, дөретиўшилик процессти шеклеўге болмайды. Яғный публицист қанша көп ҳәм аудитория тәрепинен күтилмеген методлардан орынлы ҳәм нәтийжели пайдаланса, шығарма соншелли жақсы шығады.

**Әдебиятлар**


1. // «Сәният», 2010. №3-4. 11-б.
2. / «Қарақалпақстан жаслары», 2014, 30-октябрь.
3. / «Еркин Қарақалпақстан», 2014, 7-октябрь.
4. / «Қарақалпақстан жаслары», 2016. 11-февраль. №7.
5. // «Әмиўдәрья», 2006. №1. 3-7-б.
6. // «Әмиўдәрья», 1985. № 4-5.
7. / «Устаз жолы», 2013. 8-март.
8. Кекселерди қәдирлеў ҳәм оны әлпешлеў әдеби. / «Устаз жолы», 14-февраль 2015.
9. // «Сәният». 2009. №1-2. 6-7 б.
10. / «Еркин Қарақалпақстан». 2014. 7-июнь.
11. / «Еркин Қарақалпақстан». 2005. 18-август.
12. // «Сәният». 2011. №3-4. 4-5-б.
13. / «Қорақалпоғистон тонги». 2013. 4 апрель.
14. / «Еркин Қарақалпақстан». 2016-жыл. 12- январь.
15. / «Еркин Қарақалпақстан».2015, 23 май.
16. / «Еркин Қарақалпақстан». 201 3, 29-июнь.
17. / «Тынышлық сақшысы». 2014, 8-март.
18. / «Қарақалпақстан жаслары». 2015. 21-май.
19. / «Қарақалпақ әдебияты». 2014. №9-10. Сентябрь-октябрь.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада публицистик методларнинг тизими келтирилган ва тавсифланган. Муаллиф кўрсатганидек, методларни уч даражага бўлиб, ўрганиш мақсадга мувофиқдир: ялпи, умумий ва хусусий. Публицистиканинг ялпи методи диалектика деб топилган бўлса, умумий методи оммавий тезкор долзарб экспрессив рефлексиядир. Хусусий методларнинг сони чексиз, уларнинг аниқ бир таснифи тадқиқотчининг ёндашувига боғлиқ: мавзу танлаш усуллари, фактларни йиғиш ва уларни ишлаш усуллари, матнларни ҳиссиётлар билан бойитиш усуллари ва ҳ.к.

**РЕЗЮМЕ**

В статье характеризуется система методов публицистики. Отмечается, что наиболее предпочтительным является выделение трёхуровневой классификации методов: всеобщего, общего и частного. Всеобщим методом публицистики названа диалектика, общим – массовая оперативная актуальная экспрессивная рефлексия. Частных методов неисчерпаемое множество, их конкретная систематизация зависит от подхода автора: методы выбора темы, подбора и разработки фактов, эмоциональной насыщенности текстов и т.д.

**SUMMARY**

The article deals with the characterization of the system of methods in publicistics. The most popular is a three-level classification of methods: overall, general and private. The ovell method of publicistics is dialectics, the general method is the mass operative actual expressive reflexion. There is a great number of private methods, their concrete systematization depends on the author’s approach: methods of theme’s choce, selection and working out of facts, emotional richness of texts, etc.


## “ФАУСТ” АСАРИ ТУРЛИ ТАРЖИМАЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ


**С.Х.Назаров** - *ўқитувчи*

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*



**Таянч сўзлар:** таржима, образ, драматик, фожиа, бевосита, билвосита, услуб, аллегория, эпитет.

**Ключевые слова:** перевод, образ, драматический, трагедия, прямой, косвенный, стиль, аллегория, эпитет.

**Key words:** translation, image, dramatic, tragedy, straight, indirect, style, allegory, epithet.


“Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бир кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиё ва Европа қитъаларини бир-бирига улайди. Ҳар гал шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улуғворлиги, кўтарган юкининг залворли, табаррук ухдаси билан у менга буюк Йоҳанн Волфганг Гётени эслатади” [4].

“Фауст” – ушбу асар ҳақида билмаган, ёхуд уни ўқимаган ўқувчи бугунги кунда кам сонли деб, ишонч билан айта оламиз. Ҳеч бўлмаганда бу каби асарлар ҳақида тез-тез эшитиб турамиз. “Фауст” драматик асар бўлиб, аксар халқлар уни саҳна орқали билиб олишга ҳам муваффақ бўлганлар.

“Фауст” асарининг дунё халқлари эътиборига тушишининг энг катта сабабчилари, шубҳасиз асар таржимонларидир. Маданий алоқалар ривожланишида рус адиби Пушкин ибораси билан айтганда маърифатнинг почтачи отлари бўлмиш таржимон адибларимизнинг аҳамияти бениҳоя бўлиб келган ва келмоқда. “Фауст” асари барча тиллар қатори туркий тилларни ҳам четлаб ўтмади. Бошқа тиллар каби туркий тилларда ҳам бир эмас бир неча таржимонлар орқали ўз она тилларига ўгрилди. Масалан турк тилида асарнинг ўнта таржимаси мавжуд бўлиб, учта насрий ва еттита назмий усулда таржима қилинган.

Асар илк бора туркий тилларга 1948 йил татар таржимони М.Максуд (Гёте. Фауст. Таржимон М.Максуд. “Татгосиздат”. Казан, 1948), 1970 йил озорбайжон ва қирғиз таржимонлари Аҳмад Жамил (Гёте. Фауст. Таржимон Аҳмад Жамил. “Боку”. Озарбайжан, 1970.) ҳамда К.Нурсалиев (Гёте. Фауст. Таржимон К.Нурсалиев. Фрунзе, Киргизистан, 1970.), 1974 йил қорақалпоқ таржимони Т.Матмуратов (Гёте. Фауст. Таржимон Т.Матмуратов. “Аму-Дарё”. Нукус, 1974.), 1982 йил қозоқ таржимони Медеубай Қурманов (Гёте. Фауст. Таржимон Медеубай Қурманов. “Жазуши”. Алмата, 1982.), ва 2009 йил турк тажимони Али Чанкирили (Гёте. Фауст. Таржимон Али Чанкирили. Антик дунё классиклари. Истанбул, 2009.) томонидан ўз она тилларига таржима қилинди.

Ўзбек шоири ва таржимони Эркин Воҳидов 1970-75 йиллар мобайнида “Фауст” асарини ўзбек тилига ўгиргани, ўзбек ўқувчилари учун тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. У ушбу йирик асарни оз эмас, кўп эмас, беш йил давомида, бошқа ижодий ишлар билан шуғулланмай туриб, таржима қилди [2] асарни билвосита яъни, Борис Пастернак томонидан рус тилига ўгирилган вариантидан фойдаланиб, қайта яратди. Асар таржима бўлиш жараёнида ва ундан олдин таржимон “Фауст” асари таржималари хусусида матбуот ва журналларда кўплаб мақолалар чоп эттирди.

Кенг жамоатчилик орасида шов-шувга сабаб бўлган асарнинг Эркин Воҳидов томонидан қилинган таржимасини ўзбек ўқувчилари кўтаринки руҳда қабул қилди.

Таниқли олим Акмал Саидов “Фауст” асари ҳақида шундай дейди – “Курраи заминимизда жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланган “Фауст” нашр этилмаган мамлакат топилмаса керак. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг адабий жасорати туфайли ўзбек китобхонлари ҳам уни ўз она тилларида завқланиб ўқиш бахтига муяссар бўлдилар” [4].

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг “Фауст” асарини яна бир таржимон [1] ўзбек тилига ўгиришга муваффақ бўлди. Пошо Али Усмон яратган вариантнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, олдинги таржимадан фарқли жиҳатлари бор. Асосийси Пошо Али Усмон бевосита яъни немисча аслиятдан тўғри таржима қилди.

Бугун ҳар иккаласининг ҳам айтиш жоизки, ўз китобхони борлигидан қувониш лозим. Чунки бу ҳолат қарашлар ва ғоялар хилма-хиллиги юзага келаётган тезкор давримизга хос хусусиятдир.

Юқорида биз Эркин Воҳидов асарни билвосита яъни, Борис Пастернак томонидан рус тилига ўгирилган вариантидан фойдаланиб, қайта яратганини айтиб ўтдик. Тўғри Эркин Воҳидов немис тили мутахассиси эмас, шунга қарамасдан у асар таржимаси давомида тўлалигича Пастернак вариантидан фойдаланмай, ўзбекистонлик германист олимлар билан бирга иш олиб борган. Фикримизнинг далили сифатида биз филология фанлари доктори, профессор Ў.Юсуповнинг айтганларини иқтибос қилмоқчимиз. Ў.Юсупов шундай дейди – “Эркин Воҳидов “Фауст” асарини таржима қилишдан аввал бир куни менга мурожаат қилиб, мендан немис тилини яхши биладиган мутахассисни топиб беришимни сўради. Мен уни ЎзДЖТУ профессори Шав-

кат Каримов олдига олиб бордим. Иккаласи ўша кундан “Фауст” таржимаси устида ишлай бошлашдилар.”

Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов “Фауст” асарини тўлалигича рус тили орқали таржима қилган деб айта олмаймиз. Бир нарса аёнки, бирор немис тили мутахассиси бажармаган ишни шоир ва таржимон Эркин Воҳидов ўз зиммасига олиб, жаҳон дурдона асарларидан бўлмиш “Фауст”ни ўзбек китобхонига тақдим эта олди. Албатта, таржима жузъий качиликлардан ҳоли эмас. Масалан:

ORCHESTER. TUTTI. Fortissimo.
**Fliegenschnauz** und **Mückennas**
Mit ihren Anverwandten,
**Frosch** im Laub und **Grill** im Gras,
Das sind die Musikanten! (“Faust”Goethe. 1969. S.255)

| | |
|---|---|
| Оркестер (фортиссимо – даҳшат билан)<br>**Пашшаю чивин** бўлиб databaseбиродар:<br>**Қурбақа** билан сайрар ботқоқда,<br>**Ниначи** билан яйрар ўтлоқда,<br>Улар-чи, эмиш созанда донгдор! (П.Усмон тарж. 2007. Б.94) | Олам ичра бунақа<br>Чолғу йўқдир соз.<br>**Пашша, чивин, қурбақа** –<br>Бари жўровоз. (Э.Воҳидов тарж. 1985. Б.124) |

Юқорида келтирилган парчалардаги ***“Fliegenschnauz”, “Mückennas”, “Frosch”, “Grill”*** сўзлари аллегория бўлиб, улар матнда инсонга хос хусусиятлар орқали маълум тоифадаги кишиларни, аниқроғи мусиқачи ёки қўшиқчиларни билдиради.

Аслиятдаги **Fliegenschnauz**, **Mückennas, Frosch**, **Grill** сўзлари таржимон Пошо Али Усмон томонидан немис тилидан ўзбек тилига бевосита ***“пашша”, “чивин”,“қурбақа”, “ниначи”*** тарзида ўгрилган.

Аммо таржимон Эркин Воҳидов асарни таржима қилиш жараёнида **Grill** сўзи тушиб қолдирилган. Рус таржимони Пастернак таржимасида эса **Frosch** сўзи таржимаси тушиб қолдирилган.

| | |
|---|---|
| ORCHESTER. TUTTI. Fortissimo. | **Оркестр трутти (fortissimo)** |
| **Fliegenschnauz** und **Mückennas** | **Комары**, и **мошкара**, |
| Mit ihren Anverwandten, | И **сверчки**-горланы, |
| **Frosch** im Laub und **Grill** im Gras, | И сверчки-горланы, |
| Das sind die Musikanten! | Наши меломаны. |
| (“Faust”Goethe. 1969. S.255) | (тарж. Б.Постернак. 1955. С. 232) |

| **Аслиятда** | **П.Усмон Таржимасида** | **Э.Воҳидов таржимасида** | **Б.Постернак таржимасида** |
|---|---|---|---|
| Fliegenschnauz | Пашша | Пашша | комары |
| Mückennas | Чивин | Чивин | мошкара |
| Frosch | Қурбақа | Қурбақа | ☞ **X** |
| Grill | Ниначи | ☞ **X** | сверчки |

Кўриниб турибдики Эркин Воҳидов барча жумлаларни ҳам Пастернак таржимаси орқали ўзбек тилига ўгирмаган. Воситачи тилдан қилинган таржимада аслиятга ҳамоҳангликка эришиш ғоят сермашаққат изланишларни тақозо этади.

Қозоқ таржимони М.Қурманов томонидан ушбу жумлаларни ўз ичига олган ***“Валпургия тунидаги туш ёки Оберон ва Титаниянинг олтин тўйи яъни интермедия”*** бўлими таржима қилинмаган.

Шу қаторларни услубий ва мазмун жиҳатдан таржима қилишга ҳаракат қиламиз.

*Майда чивин пашшалар*
*Уруғ-аймоғлари-ла,*
*Барглар ичра қурбақа,*
*Чирилдоқ ўт чигиртка,*
*Гўё машҳур созанда!*

“Фауст” сингари йирик поэтик асарлар таржимасида оригинал шаклига риоя қилиш юксак санъатга лойиқ юксак маҳорат, поэтик талант, таржимага киришишдан олдин кенг филологик илм асосида шеърий парчаларни таҳлил қилиб чиқа олиш қобилиятига эга бўлишликка, шунингдек, поэзия таржимони ўзга шеърий системага мансуб ҳох катта, ҳох кичик асар колоритини таржима тилида аслиятга тўла мос мазмун ва ҳамоҳанг шаклда қайта яратиши ва таржимага ижодий, новаторларча муносабатда бўла олиш ёки олмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ экан.

“Фауст” асари Гётенинг ҳақиқий ижодий портрети, уни куршаб олган борлиққа, даврга нисбатан муносабати, дунёқарашининг шоирона даҳоси билан омухта ифодаси эканлигини таржимон ёдда тутган ҳолда, аслиятга хос ғоявий-бадиий таркибий қисмлар уйғунлигидаги умумий ва алоҳида хусусиятлар диалектик бирлигини аниқ таҳлил эта олиш керак.

Поэтик маданиятимиз, хусусан, шеър техникаси барқ уриб ривожланган, жаҳон адабиёти шоҳ асарлари туркий тиллар, жумладан ўзбек назмида баралла янграётган бир даврда, “Фауст” сингари асарлар таржимаси айрим таржимашунослар томонидан “поэзияни таржима қилиб бўлмайди” деган тезиснинг, айниқса, поэзиянинг ҳозирги камолида асоссизлигини намойиш этди.

Хулоса ўрнида биз устоз таржимашунос олим Ғайбулла Саломовнинг қуйидаги таржима ҳақидаги пурмаъно фикрларини иқтибос қилишни лозим деб топдик.

Таржимани мевали дарахт ниҳолига қиёс қилса бўлади. Чунончи, бир заминда ўсиб турган ниҳол бошқа ерга ўтқазилганда кўкариб, мева беради. Жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам таржима туфайли бир тилдан бошқа тилга кўчирилганда, ўша тилнинг эгаси бўлган халқнинг миллий онгини ўстиришда, янгича эстетик дид пайдо қилишда, дунёқарашни тарбиялашда фаол роль ўйнайди [5].

**Адабиётлар**

1. Гёте Й.В. Фауст. Олмон тилидан Пошо Али Усмон таржимаси. –Тошкент: Алишер Навойи номидаги ўзбек миллий кутубхона нашриёти, 2007.
2. Гёте Й.В. Фауст. Олмон тилидан Эркин Воҳидов таржимаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 373- б.
3. Гёте Й.В. Фауст. Рус тилидан Борис Пастернак таржимаси. –Ленинград: Художественной литературы, 1955, 618- б.
4. Саидов А. Гёте – юрист. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2010, 143- б.
5. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1978, 219- б.
6. Саломов F., Комилов Н. “Дўстлик кўприклари”. -Тошкент: F.Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979, 32- б.
7. Умархўжаев М.Э. Руҳни тарбиялаган таржима. “Ёзувчи”, 1997, 12.04.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада Й.В.Гётенинг “Фауст” асарнинг туркий тилларга таржималари хусусида сўз юритилди. Унда “Фауст” асари тарихи ва образли воситаларининг таржимада қайта яратилиши муаммоси ўрганиб чиқилган. Мақолада хорижий ва ўзбек олимларининг “Фауст” асарига берган тавсиф ва таърифлари холисона тадқиқ қилинди. Унда таржима ва адабиётнинг замон ва макон доирасида ўрганилиши нечоғлик зарур эканлиги баён қилинган. Мақолада Фауст образи орқали инсон концепцияси турли динлар, менталитетлар ва қарашлар тимсолида алоҳида ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются перевод произведения И.В.Гёте "Фауст" на турецкий язык. В ней изучается также история создания «Фауста» и вопросы воссоздания образных средств в переводе. В ней анализируются работы и рекомендации узбекских и зарубежных учёных по произведению "Фауст". В работе отмечается важность изучения перевода и литературы с учётом времени и места. Через образ Фауста показана концепция личности в разных религиях, менталитетах и взглядах.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of translation of the work «Faust» by I.V.Goethe into Turkish. It deals with the history of «Faust» and the issues of using and recreating of expressive means in translation. The author analyses the research works and recommendations of the Uzbek and foreign scholars to the book «Faust». The study of literary translation taking into account the time and place is very important. The conception of personality in different religions, mentalities and views is shown in the image of Faust.